

1930 йил
12 майдан
чиқа
бошлаган



Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ НАШРИ

№ 17 (3441)

2002 йил 25 апрель, пайшанба

Сотувда эркин нархда

Шу куннинг мавзуи

ЯНГИЛАНИШ ВА ЎЗГАРИШЛАР ЖАРАЁНИДАГИ МУҲИМ БОСҚИЧ

Қадимдан донишмандларимиз ҳаётдаги барча неъматларга тақослаш орқали баҳо берилшини айтиб ўтишган. Киши ўз кўзи билан кўрмаган ёки умуман тасаввурга эга бўлмаган нарса ҳақида тайинли гап айтиши амримаҳол. Бугунги кунда ҳам доно, ақл-заковатли ва масъулиятни чукур хис этган инсонлар ана шу таомилга амал қилиб яшамоқдалар. Аммо тирноқ ичидан кир қидирувчи айrim кимсаларга нисбатан бундай фикри айтиб бўлмайди. Улар мустақил Ўзбекистон суврен ривожланиш йилларида эришган ютуқларга кора чизик тортиб, унинг шаънига птургут етказишига бир неча марта уриниб кўрдилар.

Аммо шукрлар бўлсинки, ҳалқимиз Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигига ташланган ислоҳотлар йўли – тараққиёт ва фаровонлик сари дадил бормоқда. Ўтган йили ўн йиллиги кенг ва тантанали равишда нишонланган мустақиллик йилларида кўп миллиатли ҳалқимиз юз йилларга тенг даврни босиб ўтди. Бугунги кунда мамлакатимиздаги ислоҳотлар жараёни кенг кулоч ёймоқда.

Жорий йилнинг 27 январь куни ўтказилган умумхалқ референдуми ва унинг натижалари бўйича Иккичи чакириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисining саккизинчи сессиясида катта аҳамиятта молик ҳужжатлар қабул қилингани ана шу йўлдаги муҳим қадам бўлиб қолди.

Мазкур ҳужжатларнинг қарорлари, хусусан “Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимиюти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни сиёсий, ҳукукий ва маънавий соҳалар, давлат қурилишида кенг миқёсли демократик ўзгаришлар рўй бериши ҳамда ҳалқимизнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллиги ошишида катта аҳамият касб этиши табиий. Ушбу Қонун Ўзбекистон Республика Конституцияси, шунингдек, мамлакатимизнинг амалдаги қонунчилигига тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилишига асос бўлади. Яқин келажақда Олий Мажлис томонидан умумхалқ референдуми натижаларини ҳаётта татбиқ этишга қартилган қонунчилик ҳужжатлари тайёрланиши лозим.

Конституциявий қонуннинг аҳамиятини инобатга олиб, унинг айrim жиҳатларига тўхталиб ўтишини лозим топдик. Биринчидан, нега бу қонунга Конституциявий мақом берилган? Ушбу осон бўлмаган саволга навбатдаги сессияда Президентимиз Ислом Каримов сўзлаган маъруза-сидан жавоб топамиз: “...бу ҳукукий ҳужжат референдум натижаларини қонунчилик тилида ифодалаб-муҳрлаб беради ва асосий қонунимиз бўлмиш Конституциямизга тегишли ўзгаришлар киритишга асос бўлади”.

Шу билан бирга давлатимиз раҳбари ушбу ҳужжат ўз моҳиятига кўра, келгусида қабул қилиниши зарур бўлган, ўзгаришлар жараёнини ўзида мужассам этадиган янги қонунлар олдига принципиал талаблар кўйинши таъкидлади.

Барчамизга маълумки, референдум ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ҳалқимизнинг мамлакатимиз ҳаётидаги катта аҳамиятта эга бўлган муҳим масалаларга муносабатини билиш ва шу орқали қонунчилика тегишли ўзгаришлар киритишдан иборат эди. Шунингдек, умумхалқ тадбири чоғида овоз берган ҳар бир фуқаро референдум саволларига ижобий жавоб қайтарар экан, бу билан демократик, бозор ислоҳотларини чукурлашириш, мамлакат келажагига бўлган ишончини ифода этганини ҳам яхши биламиш. Ҳалқинган ана шу кўллаб-куватлаши ва билдирган ишончи “Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимиюти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги Конституциявий қонунда ўз ифодасини топди.

Ушбу ҳукукий ҳужжатнинг 2-моддасида қонун ҳужжатларининг такомиллаштирилишига принципиал талаблар кўйилган. Унда кусусан, давлат ҳокимиютини ташкил этишининг асосий принципларидан бири қонун устуворлигини, ҳокимиюти қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд тармоклари ўртасидан мувозанатни, улардан ҳар бирининг ҳакиқий мустақиллигини таъминлаш, дейилган.

Навбатдаги принцип – сиёсий ҳаётнинг, давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларини изчил эркинлаштириш. Ушбу принципни ҳаётга татбиқ, этмай турниб мамлакат тараққиётига, ҳалқ фаровонлиги ошишига эришиб бўлмайди.

Конституциявий қонунда фуқаролик жамиятини вужудга келтиришнинг асосий принципларидан бири нодавлат, нотижорат, жамоат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятини бошқа демократик институтлари янада мустаҳкамланиши ҳамда ривожлантирилиши учун кафолат ва шароитларни таъминлаш принципи эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Конституциявий қонунда жамоат механизмини шакллантириш ва кучайтириш принципи мухим ўрин тутади. Бунга эришиш учун “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва давлат ҳокимиюти марказий органларининг ваколатларини жойлардаги бошқарув органларига босқичма-босқич ўтказиб, ижро этувчи ҳокимиюти органлари, шу жумладан мудофа ва ҳавфисизликни таъминловчи тузилмалар фаoliyati устидан жамоат назорати механизмини шакллантириш ва кучайтириш” талаб этилади.

Конституциявий қонунга биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонун чиқарувчи ҳокимиюти амалга оширувчи Ўзбекистон Республикасининг олий давлат вакиллик органи бўлиб, иккى палатадан – Қонунчилик палатаси (кўни палата) ҳамда Сенат (юкори палата)дан иборат бўлади. Қонунчилик палатаси сайлов округлари бўйича кўп partiya-ийлик асосида сайланадиган бир юз йигирма депутатдан иборат бўлади. Сенат эса худудий вакиллик бўлиб, Сенат аъзоларидан (сенаторлардан) таркиб топади. Унга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлардан тенг миқдорда – олти кишидан сайланади. Бундан ташқари Сенатнинг алоҳида хизмат кўрсатган ва энг обрўли фуқаролардан иборат 16 нафар аъзоси Президент томонидан тайинланади.

Бир сўз билан айтганда, Конституциявий қонун мазмунидан кўриниб турибди, мамлакатимизда янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнини янги босқичини амалга оширишга киришилди.

«Nоcninga»



Аввал ҳабар берганимиздек,
Жиззахда кинология
кўпкураши бўйича республика
мусобақаси бўлиб ўтди.
Унда Қорақалпоғистон
Республикаси ИИВ,
Тошкент шаҳар ИИББ,
вилоятлар ИИБлари,
Транспорт ИИБдан
15 жамоа қатнашди.

2

ГАЗЕТХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Шу йил 4 май куни соат 11.00 дан – 13.00 гача
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Бирлашган таҳририятида
(“Постда” ва “На посту” газеталари) бевосита мулокот бўлади.

Унда паспорт тизими ва фуқаролик масалалари бўйича
саволларингизга жавоб олишингиз мумкин.

Бевосита мулокотга Республика ИИВ ҳамда Тошкент шаҳар ИИББ Хорижга чиқиш, келиш ва фуқаролик хизматининг етакчи мутахассислари таклиф қилинган.

Бевосита мулокот телефонларининг ракамлари: 139-77-23, 139-73-88, 139-75-69.
Саволларингизни олдиндан ёзма равишда 4 майгача таҳририятига топширишингиз мумкин.
Манзилимиз: 700029. Тошкент шаҳри, Юнус Ражабий кўчаси, 1-йи.

Мўлжал: метронинг “Космонавтлар” бекати.

UCHINCHI «Noсninga» gazetasining ilovasi

TANIqli KISHILAR BILAN UCHRASHUV,
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,
HAYRATOMUZ VOQEALAR, INTERNET XABARLARI
+ TV OLAM

КИНОЛОГЛАР БАҲСИ

Аввал хабар берганимиздек, Жиззахда кинология кўпкураши бўйича республика мусобақаси бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳри ИИББ, вилоятлар ИИБлари, Транспорт ИИБдан 15 жамоа қатнашди.

Нега энди Жиззахда деган ҳақиқи савол туғилиши мумкин. Чунки бу ерда вилоят марказидан унча узоқ бўлмаган тофолди хушманзара жойда 20 гектарлик майдонда “Динамо” спорт мажмуи ва ИИВ кинология хизмати питомниги жойлашган. Питомнида самарали иш фаолияти учун зарур барча шарт-шароитлар яратилган.


Мусобақа дастури ҳақида бош ҳакам, республика ИИВ патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бош бошқармаси кинология хиз-

қизиқарли тур якун ясади. Унинг шартига кўра ўқ овогига қараб қуролли қаршилик кўрсатаётган жиноятчани ма-софадан бошқариладиган портловчи восита ўрнатилган хизмат ити ёрдамида топиш керак эди! Булардан ташқари қатнашчидар яна бир кўргазмали чиқишининг гувоҳи бўлишиди. Кинолог итга ўрнатилган рация орқали уни узоқдан бошқарди. Бу тайёр гарлик тизимида жорий этилаётган янгилеклар. Дастребки кўрсаткичларга қараганда, унинг келажаги порлок.

ти Б. Шевелев эса учинчи бўлишиди.

Хизмат биатлони бўйича ҳам Тошкент шаҳрилик вакиллар устунликларини намойиш этишиди. Биринчилик яна Д. Ах-

Голибларни тақдирлаш ма-росимида республика Ички ишлар вазири ўринбосари, милиция генерал-майори Б. Парпиев, ИИВ Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бош бошқармаси бошлиги, милиция полковники У. Нарзуллаев, Жиззах вилояти ИИБ бошлиги вазифасини ба-



метшинга наисиб этди. Унинг жамоадоши Б. Серкабоев иккичи, пойтахт вилоятилик Н. Валиев учинчи натижани кўрсатишиди.

Қуролланган жиноятчани ушлаш машқида ҳам Д. Ахметшин голиб чиқди. Кейинги ўринлар сурхондарёлик А. Музаффаров ва самарқандлик О. Омоновга наисиб этди.

Гильзаларни топиш йўналишида самарқандлик К. Абдулаев ўз ити билан биринчи ўринни эгаллади. Сурхондарёлик С. Эшпўлатов иккичи, навоийлик Н. Тўхтаев учинчи бўлишиди.

Колган турлар бўйича ҳам голиблар рўйхатини яна узоқ давом эттириш мумкин. Якуний натижаларга ўтсак, умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри ИИБ жамоасига биринчи ўрин берилди. Сурхондарёвийлиги ИИБ вакиллари иккичи, Жиззах ва Навоий вилоятлари ИИБ жамоалари учинчи ўринни эгаллашди.

Шахсий ҳисобда голиблар рўйхати қуйидагича: Д. Ахметшин (Тошкент шаҳри ИИБ, итининг лақаби Улан), Н. Тўхтаев (Навоий вилояти ИИБ, итининг лақаби “Граф-2”) ва С. Эшпўлатов (Сурхондарё вилояти ИИБ, итининг лақаби Вега).

А. СТЕПАНОВ.

Жарувчи, милиция полковники И. Муродов қатнашиди. Шу ерда Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирининг, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ИИБ бошлиқларининг хизмат бўйича ўринбосарлари ҳамда патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари раҳбарлари иштирокида йигилиш бўлиб ўтди. Унда хизмат итларини тайёрлаш даражаси ошиб бораётгандиги таъкидланди. Фақат шу йилнинг ўзида кинологлар ўзларининг тўрт оёкли ёрдамчилари билан 1600 мартадан ортиқ воқеа жойига чиқишиди. Уларнинг бевосита иштирокида 800 га яқин жиноят фош этилди. Хизмат итлари ёрдамида 18 килограммга яқин гиёҳвандлик моддаси, 8 дона ўқотар қурол топилди. Айни пайтда мажлисда кинология хизматидаги қатор камчиликлар ҳам кўрсатилди. Уларни бартараф этиш, кинология хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари белгилаб олниди.

Б. БЕГИМҖУЛОВ

олган суратлар.

Мамлакатимизда автомобиллардан чиқаётган заҳарли газларнинг меъёрини аниқлаш, уларнинг экологик ҳолатини назорат килиш, энг муҳими, атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш масадиди ҳар йили икки босқичда “Тоза ҳаво” ойлиги ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда Республика Ички ишлар вазирлиги ҳамкорлигига ўтказилаётган бу тадбирнинг биринчи босқичи 10 апрелда бошланни, 10 майгача давом этади.

АТРОФ-МУҲИТ МУСАФФОЛИГИ УЧУН

Транспорт воситалари ҳар уч ойда экологик кўрикдан ўтиб туриши мақсадга мувофиқdir. Улардан чиқаётган газ иси белгиланган меъёрда бўлса, ҳайдовчига экология талони уч ой муддатга берилади. Жорий йилнинг ўтган биринчи чора-гига вилоятимиз бўйича жами 26335 та машинанинг экологик ҳолати текширилди. Шулардан 10867 таси жойида созланди. 1067 нафар ҳайдовчига, 39 нафар мансабдор шахсга маъмурӣ тартибида чоралар кўрилди. Текширишдан ўтказилган 12858 та машинага экология талони берилди.

“Тоза ҳаво” ойлигини уюшқолик билан ўтказиш ҳамда ҳайдовчиларга қулийлик яратиш мақсадида Бўз, Олтинкўл, Хўжаобод туманлари ҳудудларида автомобилларнинг экологик ҳолатини аниқлайдиган экология шохобчалари фаолият кўрсатмоқда.

М. МИРЗАЕВ,
милиция капитани.



мати бош инспектори, милиция подполковники Т. Искандаров кўйилдигиларни гапириб берди:

— Ҳар бир жамоа таркиби уч нафар қатнашчи ва учтадан итдан иборат. Аввалига улар умумий комплекс машгулларини бажардилар. Сўнг маҳсус курсга гал келди. Бундан гильзаларни топиш, буюм ва шахсларни танлаш, ахтарилаётган кимсанинг изини олиш, тўсиқларни енгиди ўтиш, куролланган жиноятчани ушлаш ва хизмат битатони бўйича қатнашчилар ўз кўнкимларини намоён этиши керак эди. Мусобақа дастурига жуда мураккаб ва

Энди натижаларга тўхталсак. Умумий комплекс машгулларини бўйича Навоий вилояти ИИБ вакили, милиция сержантини Н. Тўхтаевнинг чиқиши энг яхши деб топилди. Иккичи ўрин намангандлик милиция сержантини И. Раҳмоновга наисиб этди. Учинчи натижани ҳам яна навоийлик ходим — милиция сержантини У. Раҳматов кўрсатди.

Тўсиқларни енгиди ўтиш бўйича Тошкент шаҳар ИИБ вакили, милиция сержантини Д. Ахметшинга тенг келадиганлар топилмади. Жиззахлик милиция кичик сержантини Х. Муҳиддинов иккичи, пойтахт вилояти ИИБ, итининг лақаби “Граф-2” ва С. Эшпўлатов (Сурхондарё вилояти ИИБ, итининг лақаби Вега).

Суратда: мусобақалардан лавҳалар.

Б. БЕГИМҖУЛОВ

ИИВ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ХЎЖАЛИК СУМКАСИДА ... ГЕРОИН

Термиз шаҳри ички ишлар ходимлари томонидан ўтказилган тадбирлар натижасида шаҳар марказида фуқаро М. А. ва унинг ҳамроҳи З. К. лар ушланиб текширилди. Уларнинг хўжалик сумкасидан 2 килограмм 274 грамм ге-роин олниди. Дастребки сўровлардан М. А. илгари ҳам шундай қилмишлари учун қонун олдида жавоб берган, бирор ўзига тегишили хулоса чиқариб олмаганини маълум бўлди.

Шунингдек, Тошкент вилояти Паркент туманида яшовчи, 1968 йилда туғилган З. Т. нинг уйи холислар иштирокида кўздан кечирилганда 1 килограмм 68 грамм марихуана гиёҳвандлик моддаси усталик билан яшириб кўйилганлиги ошкор бўлди.

КОТИЛ ФАРЗАНД

Оналар азиз, деймиз. Бу улуғ зот борки, олам мунаввар. Бироқ фарзанд деган номга доф тушириб, ўз онасининг қотилига айланган кимса ҳақида нима дейиш мумкин? Тошкент шаҳри Миробод туманида яшовчи 34 ёшли С. З. ичкиликка муккасидан кетганлардан. У 5 апрель куни уйига маст ҳолда келади. Онасидан яна ичкилик учун пул сўрайди. Бугунга етарлисини ичибсан, пул ўйқ деб турган она бирдан бошига тушган таёқ зарбидан ерга кулади. Натижада жабрланувчи жароҳати туфайли эртаси куни касалхонада вафот этади. Ҳозирда қотил ўғил ушланган.

ЮЛҒИЧ

Дунёда битта аёл бўлса ҳам заргарга иш топилади, деган нақл бежиз айтилмаган. Бу аёлларимизнинг зебу зийнната қизиқишилари баланд эканлигидан дарактирди. Шу кунларда тақинчоқларга ўч эркаклар ҳам чиқиб қолганини айтаб ўтмоқчимиз. Самарқанд шаҳрида содир бўлган воқеа бунга мисолдир. Темириўл туманида соат 15.00 ларда номаълум шахс уй бекаси, 1963 йил туғилган И. Рогатиннинг бўйиндан сариқ металлдан ясалган занжирини юлиб қочган эди. Кўрилган чоралар натижасида юлғич 1965 йилда туғилган А. О. эканлиги аниқланиб ушланди.

АЛЮМИН, МИС ТАЛВАСАСИ

Кейинги вақтларда алюмин, мис талвасасига тушганлар таркибида рангли металл бўлган симларни симёточлардан кесиб кетаётгандиги қайд этилмоқда. Бунинг оқибатида туман электр тармоқлари қанчадан-қанча зиён кўроқмада. Тошкент вилояти Қиброй туманида яшовчилар 1961 йилда туғилган Э. Б. ва 1969 йилда туғилган Т. Ҳ. Қизил шалола ширкати хўжалиги даласидан 500 минг сўмлик 50 метр кабелини кесиб кетаётгандаридан буни хәслларига ҳам келтирмадилар. Кўпгина хонадонларни чароғон этиб турган электр симларни пулламоқчи бўлган бу кимсаларнинг йўлларига ички ишлар ходимлари тўсиқ кўйишиди.

ЗЎРАВОН

Қарши шаҳрида яшовчи фуқаро Д. Ҳамидова ички ишлар бўлимига ариза билан мурожаат қилди. Номаълум шахс темир йўл бекати олдида унинг 60 минг сўм пули ва 320 дона ҳар хил лотереялари бўлган сумкасини қўлидан тортиб олиб кетган эди. Милиция ходимлари томонидан олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида ушбу жиноятни 1976 йилда туғилган З. Н. содир этганлиги аниқланиб, ушланди.

Ш. АНВАРОВ,
милиция лейтенанти.

БУГУНГИ КУН ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА

Жазони ижро этиш Бош бошқармасида Ўзбекистон Республикаси ИИВ жазони ижро этиш тизими мусобасалари фолиятининг 2002 йил 1-чораги якунлари мухокама қилинди.

Йиғилишда тармоқ бошқармалари, хизматлар ва мустақил бўлимларнинг раҳбарлари жазони ижро этиш жойларидаги вазиятни барқарорлаштириш, коммунал-маиший шароитлар яратиш, ишлаб чиқарыш фаолиятини ташкил этиш, жазо муддатини ўтаётгандарга тиббий хизмат кўрсатиш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ахборот бериди.

Ушбу масалалар юзасидан мусобасалар бошлиқларининг ҳисботи ҳам эшилтилди. Асосий эътибор маҳкумларнинг турмуш тарзини яхшилаш, уларга амалдаги талаблар даражасида шароитлар яратиш, меҳнат билан таъминлаш, тарбия самарадорлигини оши-

О. БУРЕНОВ.

Репортаж

ЎТ-ОЛОВ

Республика ИИБ ёнгин хавфсизлиги олий техник мактабида касб кунини спорт байрами тарзida ўтказиш одат тусига кирган. Бу йил ҳам бундан истисно бўлмади.

Тўғри, бошда бирор соатча тадбирнинг бадий қисми ўтказилди. Мактабнинг муҳташам клуби курсантлар, профессор-ўқитувчилар, теварак-атрофдан келган мактаб ўқувчилари билан лиқ тўлди. Саҳнага чиқсан “Хандалак” гурӯҳи санъаткорлари О. Султонов ва З. Очилдиев ўзларининг ичакузди ҳангомалари билан барчанинг олқишига сазовор бўлишиди. Ички хизмат катта лейтенанти С. Нажмиеv бир жуфт қўшиқ ижро этган бўлса-да, тингловчиларда катта таассурут қолдирди. Унинг “Она-жон” қўшиғига йўрғилган дард, нола залда ўтирганларнинг юракларига бориб етди. Сўнг Наврўзга бағишиб-лаб айтган қўшиғи ҳазин

тортган қўнгилларни яна кўкларга кўтарди, яшашига, яшаришга, янгиланишга чорлади.

Бадий қисмдан кейин спорт тадбирларига старт берилди. Мусобақа байрофини кураш бўйича Ўзбекистон чемпиони, Сидней олимпиадаси иштирокчisi, мактабнинг 3-босқич курсанти Абдулла Тангриев кўтарди. Мусобақада биринчи босқич курсантлари ҳам бўш келишмади. 60 килограммгача бўлганлар баҳсида айнан уларнинг вакиллари Азиз Курбонов голиблини кўлга киритди. Ўз вазн тоифаларида 3-босқич курсантлари Аброр Боганчев, Абдумумин Бозоров, 4-босқич курсанти Жамол Ка-

римовлар голиб деб топилди. Мутлақ вазнда ҳам битирувчилар вакили Фурқат Бўронов таълим муассасаси чемпиони бўлди.

Хуллас, полвонлар баҳси ниҳоятда қизғин ўтди. Ҳатто беллашувларни томоша қилиб турган бир қурувчи йигит ўзи ҳам гилемга тушганини билмай қолди.

Бошқа мусобақалар тўртинчи босқич курсантлари иштирокисиз ўтди. Ҳарбий эстафета машқлар мажмуи тезкорликни, ма-

ҳоратни талаб қилиши кўпчиликка маълум. Хусусан, ёнгинни учирishi, ёниб ётган жойдан безарар ўтиш, ёнгиндан жароҳатланган кишини кутқариш каби машқлар шулар жумласидандир. Мусобақанинг бу турида омадиккинчи босқич курсантларига кулиб бўқди.

Арқон тортиш баҳси нафақат жамоа аъзолари кучини, балки қай дараҷада уюшқоғлиги, бирбирини яхши тушунишини намоён этади. Мазкур беллашувда учинчи босқич курсантларига тенг кела-диганлар топилмади. Улар бошқаларга қараганда кўпроқ бирга ўқиб, яшаб, ниҳоятда жипслашганликларини кўрсатдилар.

Айниқса, ўт ўчириш амалий спорти мусобақалари шиддатли кечди. Келган меҳмонлар, мактаб ўқувчилари бўлажак ёнгин хавфсизлиги хизмати офицерларининг чақон, абжирлигидан ҳайратда қолишид. Беллашув иштирокчилари юз метрча ма-софадан югуриб келиб 4 қаватли бинонинг юқори қаватига узунлиги икки метрча келадиган нарвон

ёрдамида саноқли сониялар ичиди чиқишарди. Фолибларни аниқлаш учун сониянинг юздан бир улувшигача ҳисоблашга тўғри келди. Бунда ҳам учинчи босқич курсантлари ўз маҳоратларини намойиш этишиди. Улардан Б. Дудников, А. Умаралиевлар 16-17 сониялар оралигидан машқ шартини улдалашди. Тасаввур этинг-а, бунга ҳатто ярим дақиқа ҳам кетмади. Ҳа, бу олий мактабда обдон тобланиб, илим олиб чиқсан офицерлар эрта бир кун қўл осидагиларга хизматнинг барча жабҳасида аввало ўзлари ўрнак бўлиши шубҳасиз.

Таълим муассасаси ходимларини яна бир бор табриклиб, улар билан хайрлашганимизда ҳали ўт ўчириш машинасини ёнгин жойида жанговар шай ҳолатта келтириш мусобақаси авж палласида эди. Шундай ўт-олов йигитлар халқимиз баҳтига омон бўлишиш!

Б. ТОШЕВ.
Суратларда: тадбирдан лавҳалар.

С. КУКСЕНКО
олган суратлар.

**ТИАСИЗ,
ЛЕКИН
ШАФҚАТСИЗ ЁВ**

Жиззах вилояти
ҳудудида 2002 йил-нинг 3 ойи мобайнида
жами 83 та ёнгин
ходисаси юз берган
бўлса, уларнинг 75
таси фуқароларнинг
хонадонларида юз
берди ва 2 миллион
250 минг сўмдан зиёд
моддий зарар етказди.
Ачинарлиси, ёнгинларда
2 фуқаро ҳаётдан
кўз юмди, 9 нафари
эса турли даражадаги
тан жароҳати олди.

Ёнгинларнинг сабаблари таҳдил қилингандা, уларнинг аксарияти табиий газдан, электр ассобларини ишлатишида эҳтиётсизлик қилиш, кўлбола усулда ясалган турли иситиши воситаларидан фойдаланиш, ёниб турган газ ва электр анжомларини қаровсиз қолдирши, табиий газни резина ичаклар улаб ёкиш, ёш болаларни олов билан ўйнашларига эътиборсизлик оқибатида келиб чиқсани аён бўлди.

Ўзингиз ва фарзандларингиз, айниқса отаҳон ва онахонларимиз ҳаёти, кўп йиллик меҳнат эвазига тикланган ўй-жойингиз, мол-муркингизни ёнгиндан сақлайман дессангиз, бепарво бўлманг. Зоро, хушёрлик бор жойни фалокат четлаб ўтади.

Б. МАМИРОВ,
ички хизмат катта
лейтенанти.



Миннатдорчилик мактуби

УМРИНГИЗДАН БАРАКА ТОПИНГ!

Биз Чортотк тумани Алихон қишлоғига яшаймиз. 2002 йил 8 марта ўтар кечаси ҳовлимиздан 2 бош қорамол ва қўшнимиз Махмуджоннинг 2 бош ёш моли номаълум шахслар томонидан ўғирлаб кетилди. Зудлик билан бу ҳақда туман ИИБга хабар бердик. Бир оз вақт ўтгандан сўнг тезкор гурӯҳ ходимлари Б. Дехқонов, А. Нуъмонов, А. Аҳмедовлар етиб келиб, қидирив ишларини бошлаб юборишиди. Ўзбекистон-Қирғизистон чегарасига жойлашган бозорга етиб борганимизда икки йигит молларимизни сотмоқчи бўлиб турган экан. Милиция ходимлари уларни қўлга олишиди. Молларимиз ўзимизга қайтарилди. Биз ички ишлар ходимларидан миннатдормиз.

Хурмат билан
А. ХАТАМОВлар оиласи.

Ховос туманидаги б-умумий ўрта таълим мактабида бир ярим минг нафардан ортиқ ўғил-қизлар таълим олмокда. Ўқувчи-ёшларнинг хуқуқий саводхонлигини ошириш, улар ўртасида хуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида ички ишлар ходимлари қандай иш олиб боришишоқда?

Бу саволимизга мактаб директори Зоир Суюнов:

— Минг марта эшитгандан бир марта кўрган афзал, — дедилар. — Бугун туман ИИБ вакиллари 7-синф ўқувчилари билан “Огоҳликка даъват” ва “Болалар нимага кўпроқ эътибор бериши керак?” мавзуларида сұхбат ўтказмодалар. Марҳамат, учрашувда сиз ҳам қатнашинг.

Синфда ажиб бир жонланиш. Ўқувчилар вояга етмаганлар хуқуқбузарликларининг олдини олиш ва уларни ижтимоий ҳимоялаш катта инспектори, милиция капитани Б. Ҳожиев ва туман ИИБ хорижга чиқиш, келиш ва фуқаролик бўлинмаси бошлиги А. Эрматовга савол устига савол берардилар. Ўз саволларига батафсил жавоб олган Ю. Абдукаримова, Ҳ. Рустамова, Д. Раҳмонкулова, Ҳ. Ҳўжамкулова, Б. Тобаева каби ўнлаб ўқувчилар милиция ходимларига миннатдорчилик билдирилар.

Ўқувчилар фаоллиги, саволларнинг пишиқ-пухта, маънили ва долзарблиги-дан кўриниб турибдики, уларда хуқуқий

Хуқуқий саводхонлигимизни оширамиз
ЖАМИЯТИМИЗ ЭГАЛАРИ

билимларини оширишга эҳтиёж кучли. Бу эса ички ишлар ходимларидан ўқувчи-ёшлар даврасида кўпроқ бўлишларини тақозо қилади. Зоро, хуқуқий демократик жамиятимизнинг эгалари – бугунги ёшлар хуқуқий билимларни оилада,

Ш. ХУДОЙБЕРДИЕВА.



Суратда: милиция майори А. Эрматов учрашувдан сўнг ўқувчилар даврасида.

К. КАРИМОВ олган сурат.

...Пайшанбадан пайшанбагача...

ҚОТИЛ АЁЛ ЭКАН...

Шахрихонсойнинг Андижон вилоятининг Кўрғонтепа туманидан ўтувчи қисмидан 30—35 ёшлардаги аёл кишининг жасади топилди. Дастреб мурда ким ва бу ваҳшийликни ким содир этгани номаълум бўлиб турган эди. Тезкор ходимларнинг кечаю кундуз чеккан заҳматлари натижасида бу жумбокқа жавоб то-пилгандай бўлди. Аввал номаълум жасаднинг шахси аниқланди. У Кўрғонтепа тумани Дехқончилик ширкат хўжалигининг А. Темур кўчасида яшаган, хусусий тижоратчи 34 ёшли М. М. бўлиб чиқди. Эндиғи вазифа қотилини аниқлашдан иборат эди. Жиноятни аёл киши содир этгани ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмасди. Аммо тергов-қидирив ишлари мантиқан ходимларни шу фикрга келишига мажбур этди. Муқаддам судланган, ҳеч қасрда ишламайдиган. М. В. қотил экани аниқланди. Гумондор Ўзбекистон ҳудудида йўқ эди. Қилини қирқ ёрувчи ходимлар навбатдаги вазифани ҳам муваффақиятли улдаладилар. Қотил республикамиздан ташқарида яшириниб юрган жойида кўлга олинди.

НАСИБ ЭТМАДИ

Жиззах вилояти Зафаробод туманида содир этилган катта миқдордаги ўғирлик фош этилди. Ярим тунда Чимкўрғон ширкат хўжалигида яшовчи А. Жулдиевнинг ҳовлисига кирган “ов”чилар кўрадан 15 бош қўй-қўзини ҳайдаб кетишган эди. Ёғли чойхона паловни кўзлаб сурув ҳайдаган “чўпонлар” манзилига етар-етмай орқаларидан тезкор гурӯҳ ҳам етиб келди. Энди қўшработлик Э. Х. ва арнасойлик А. Х.лар таомномадаги овқатга қаноат қилишларига тўғри келади. Чунки улар ҳибга олиндилар.

КИМ АЙБДОР?

Тошкент шаҳрининг Мирбод туманида кеч соат 01 дан 30 дақиқа ўтганда икки номаълум шахс Охунбобоев кўчасидаги “Б. Гўзал” савдо дўконига кириб, унинг қоровули Н. Ибрагимовни пичоқ билан кўрқитиб, қўлларини боғлашган. Сўнгра дўкондан “Электрон” телевизори, аудиомагнитофон, кўп миқдорда пул ва 300 минг сўмликка яқин турли хилдаги молларни олиб кетишган эди. Зудлик билан кўрилган чора-тадбирлар натижасида ушбу босқинчилик фош этилди. 28 ёшли П. И. исмли шахс ҳозирда айни кўпроқ ҳамтоворига тўнкамоқда.

ЯНА “ҚОРА КУРСИ”ДА

Навоий шаҳрида соат 19 дан 15 дақиқа ўтганда қотиллик содир бўлди. Муқаддам судланган 23 ёшли В. Т. уйига меҳмонга келган, 1947 йилда туғилган К. Хайруддинов билан сан-манга бориб қолишиди. Жанжал шу даражага етди, В. Т. кучига эрк бериб К. Хайруддиновнинг ўлимига сабабчи бўлди. Энди қотил янга қонун олдидан жавоб беришига тўғри келади.

ҚУВОНЧ КЕЛТИРМАГАН ОМАД

Фарғона вилояти Марғилон шаҳрида яшовчи Р. Ҳақназаровнинг уйида куппа-кундуз куни босқинчилик содир бўлди. Зўравон уй эгасининг норасида фарзандига куч ишлатиб, Ҳақназаровнинг ишхонасига тегишили бўлган 1.930.000 сўмлик “Олтин водий”, “Омад қувончи” каби лотереяларни олиб кетди. Бироқ бу унга қувонч келтирмади. Олтин водийнинг ҳушиёр посбонлари уни дарҳол аниқлаб, ашёвий далиллар билан қўлга олдилар. Гумондор шахс кўкнорихаёл, 1979 йилда туғилган М. А. экан.

ЭХТИЁТ БЎЛИНГ:

ҚЎЗИҚОРИН!

Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги касалхонадан ички ишлар бўлимига ташвиши кўнғироқ бўлди. Унда бир неча фуқаролар заҳарланиш билан олиб келингани хабар қилинди.

Текширувлардан маълум бўлишича, Митан кўргони А. Темур кўчаси 5-йода яшовчи, 1955 йилда туғилган А. Санников Қорадаре қирғоқларидан қўзиқорин териб келган. Унинг турмуш ўртоги эса қўзиқоринларни пишириб, қўшниси К. Мирзаевни ҳам сийлаган. Заҳарли бўлган бу қўзиқоринлардан ҳар иккала оила аъзоларидан жами етти киши заҳарланган. Афуски, 9-синиф ўқувчиси Шаҳноза ва 1-синиф ўқувчиси Темурларнинг ҳаётини сақлаб қолишининг иложи бўлмади.

И. МИНАВАРОВ,
республика ИИВ Матбуот маркази ходими,
милиция майори.

Унинг олазарак нигоҳи милиция ходимининг ўткир назаридан четда қолмади. Шунда ҳам шубҳаларни рад этарди. Ишга “Сандра” лақабли хизмат ити аралашгач, воқеа бошқача тус олди. “Сандра” ҳаш-паш дегунча воқеа жойидан 16 грамм нашани топиб, жиноятни фош этди. Косонсой тумани “Намуна” ширкат хўжалиги съозси А. Абдусамин қилмишлари учун конун олдидан жавоб беради.

ЗОТДОР ИТЛАР ХИЗМАТГА ШАЙ

Жиноятчиликка қарши курашиб, уларни фош этишда хизмат итларининг кўмаги аскотаяпти. Ҳозирда Наманган вилояти ички ишлар идораларида 120 дан зиёд хизмат итларидан фойдаланилаяпти. Питомникда 51 та зотдор ит зарур йўналишларда тайёрланаяпти. Итларни боқиши ва улар билан машқлар ўтказиш учун қуай шароит яратилди.

— Хизмат итларини ўқ товушларига ўргатиш, ўқотар қуроллар билан қаршилик кўрсатаётган жиноятчиларни қуролсизлантириш, гиёҳвандлик моддаларини аниқлаб топиш ва бошқа йўналиш-

ларда машғулотлар ўтказаяпмиз, — дейди кинология хизмати бошлиғининг ўринбосари, милиция капитани Бобур Нурматов. — Яқинда 30 нафар милиционер-кинологлар ўз хизмат итлари билан ўқув-амалий машғулотда иштирок этишиди. Тадбир сўнгиди кинологиялар ва хизмат итлари синовдан ўтказилди.

Кинология хизматининг фаолият турни кенгайб боряпти. “Норин”, “Ангор”, “Наманган” ЙПХ масканлари, шунингдек, Мингбулоқ туманида жойлашган “Қизилтол” милиция назорат масканда итлар ёрдамида автомашиналар текширувдан ўтказилияпти. Жорий йилнинг биринчи чорагида 73 та жиноят хизмат итлари ёрдамида фош этилди.

Д. ТУРҒУНОВА.

АДАШГАНЛАР ҚИСМАТИ

Хар қандай ножӯя иш жазосиз қолмайди. “Менинг нафсим балодур, ёнар ўтга соладур” деганларидек, содир этилган жиноий хатти-ҳаракат кўпроқ моддий ва майший манфаатдорликка бориб тақадди. Нафсоният устун келганда ақл қочади.

Абдулла осон пул топишини орзу қилди. Гарчи суюкли хотини, Ҳасан ва Зуҳра исмли ширин фарзандлари, тайин иши бўлса ҳам ўз “орзу”си қанотида учibur юради. Ниҳоят бир куни бирор кутилни ўғирладию, тиканли симлар ортига равона бўлди.

Собир исмли йигит Россияга қатнаб, савдо-сотиқ қиларди. У ёқларда гиёҳвандлар билан ошно бўлди-ю, нияти ўзгарди. Қандай йўл билан бўлмасин, уларнинг “буюртмаларини” бажаришга киришиди. Оқибатда, гиёҳвандлик моддасини ўтказаётганда қўлга тушиб, қамалди. Энди у ҳам афсус- надомат-да!

Тавба қилиш, пушаймон бўлиш орзу қилди. Гарчи суюкли хотини, Ҳасан ва Зуҳра исмли ширин мумкин. Айтадилар-ку, йўлдан адашиш эмас, йўлга кирмаслик айдеб.

Андрей исмли ўрта ўшлардаги киши икки марта қамалса ҳам тегишили холоса чиқармади. Жиноятта яна қўл урганинг магандек, ўғлини ҳам шерик қилди. Ўсмир йигитнинг ҳаётини бузилди. Энди у тиконли симлар ортида тарбияланишга мажбур.

Махкумлардан бири ўз жиноий қилмиши учун “Вақт” газетаси орқали онасидан кечирим сўраб ёзган хатини ўқиб қолдим. Ундаги “Баъзан тонг отгунча қўзимига уйку келмайди. Шу ёшга кириб,

онажоним сизни қандай корингизга ярадим дея ўзимга ўзим савол бераман. Бундоқ ўйлаб қарамас, фақат фам-андуҳ келтирибман. Сизни фақат учрашувлардагина кўраман. Яна... тушимда кўраман. Уяламан. Қилмиш — қидирмиш экан, сиз она жон мени қарғамадингиз, лекин дуоингизни ҳам ололмадим. Чунки дуога яраша бирор иш қилмадим онажон, мен сизни шунчалар азобга кўйдим, кечиринг!” Ўғилнинг боши тошга урилгандагина қилмишига пушаймон бўлмоқда. Афсус, энди кеч!

Адашган кишини тўғри ўйлга солиши бутун жамият, оила, маҳалланинг муқаддас бурчидир. Зоро, ҳеч ким бирор ножӯя иш қилиб, аттандеб қолмасин!

А. ВАҲОБОВ,
ички хизмат лейтенанти.

КАБОБХЎРЛИК ҚОЛДИРИЛДИ

Уч ҳамтовор — Зоҳид, Жаҳонгир ва Носир бекорчиликдан кўчада тентираф юришарди. Чойхона одамлар билан гавжум. Атрофга кабобнинг иштаҳани қитиқловчи ҳиди анқийди. Йигитлар жизиллаб пишаётган кабобларга қараб, ютиниб кўйдилар. Иштаҳа карнай, бироқ ҳамён курук.

Рўпарада кабоб еб, ҳузур қилиб ўтирган кишига кўзи тушган Жаҳонгир:

— Одамлар пулни қандай топаркин-а? — деб сўради шерикларидан.

— Пул одамларни топди, — деди Носир.

— Қандай қилиб? — қандай Зоҳид.

— Ҳозир моллар айни далага чиқсан пайт. Битасини ўмарид, бозорга тайёр қилишиди. Келишув бўйича Жаҳонгир “мол”ни Гулистонда-

ги танишларига сотиб келадиган, Зоҳид эса кечки пайтга кабоб пишириб, дастурхон тузайдиган бўлди.

Жаҳонгир қайси бир киракашга учрамасин, ҳайдовчилар шубҳаланиб рози бўлишмади. Бу пайтда Мансур ака милицияга хабар бериб ултурганди. Ички ишлар ходимлари қидирвни бошлаб юбордилар. Негадир бу ишда Зоҳиднинг қўли борлигини сезиб турардим. Шу боис унинг ўйига боришимга тўғри келди. Суҳбатлашиб Мансур аканинг аҳволини тушунтирганидан кейин айбини бўйнига олди. Қолган кабобхўрларни топиб, гўшти эгасига топширдик. Йигитларга тегиши жазо тайинланди.

И. КУБАЕВ,
милиция катта лейтенанти.

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН

Зангиота тумани ИИБ томонидан қўйидаги фуқаролар бедарак йўқолгани учун қидирилмоқда.



Мирзоҳид Юсупович МИРСАИДОВ. 1950 йилда туғилган. Зангиота тумани Ўзгариш қўшлоги X. Абдулаев кўчаси 45-йода яшаган. 2001 йил 26 октябрь куни уйидан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 165-170 см, сочи қора калта, кўзи қора қисиқ, пешонаси кенг, мўйлов қўйган.

Кийимлари: эгнида ёнги узун оқ кўйлак, оқмайка, ҳаворанг трико, оёғида қора пайок, қора туфли бўлган.

Алоҳида белгилари: корнининг пастки қисмидан жарроҳликдан қолган чандик, ўнг кўли панжаси тенасида ва ўнг елкасида татуировка бор.



Ҳамидулла Зикриллаевич МАҲАМАТЗОКИРОВ. 1976 йилда туғилган. Зангиота тумани Эркин қўшлоги Ш. Одилов кўчаси 8-йода яшаган. 1999 йил 15 ноябрь куни уйидан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 155-160 см, сочи қора, қоши қора ёйсизон, кўзи қисиқ, юзи думалоқ, мўйлов қўйган.

Кийимлари: эгнида кора синтетик камзул, оқизил жемпер, қора водолазка, ҳаворанг жинси шим, оёғида қора пайок, оқ кроссовка бўлган.



Эргаш СИДДИКОВ. 1927 йилда туғилган. Зангиота тумани Ўртаувол кўргони А. Темур кўчаси 155-йода яшаган. 1999 йил 26 марта куни уйидан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 165-170 см, сочи оқарған, юзи думалоқ, ажин тушган, кўзлари қора, пешонаси кенг.

Кийимлари: эгнида қора костюм, оқ кўйлак, қора шим, оёғида маҳсилиши, бошида дўппи бўлган.

Алоҳида белгиси: тишларининг асосий қисми тушган.

Юқорида

УЧНИНСИЙ

«Носинга»
gazetasining ilovasi

+ TV VOLAM

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,
HAYRATOMUZ VOQEALAR, INTERNET XABARLARI

Бундан 36 йил илгари пойтахтимизда рўй берган кучли зилзиланинг даҳшати ҳали юртдошларимизнинг ёдидан кўтарилигани йўқ. Ер силкиниши қандай пайдо бўлади? Зилзила ўчоқлари ер курасининг ҳамма жойида борми? Биз шунга ўхаша саволларга жавоб топиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ФА F. Мавлонов номидаги Сейсмология илмий-техшириш институти директорининг ўринбосари, физика-математика фанлари доктори С. Ҳ. Мақсадовнинг ҳузурига бордик.

майдони, импульсли магнит майдони, ер ости сувларининг таркиби, ер сатҳи ҳолатининг ўзгариши ва шу каби параметрларда намоён бўлади. Олимлар ва илмий ходимларимиз айнан шу таъсиirlарни ўрганиб, ер силкиниши вужудга келтиришининг вақти ва силкиниш кучини аниқ-

ярим ойгача олдин ўзини намоён этади. Ер ости артезиан сувлари таркибидаги кимёвий элементлар ва импульсли электр магнит майдонлардаги ўзгаришларнинг зилзилага боғлиқлиги дунёда биринчи бўлиб Ўзбекистонда қайд этилган. Пойтахтимизда Семашко номли фи-

Бизнинг суҳбат

бир йил ўтгач, Таншан шаҳрида рўй берган кучли зилзилани олдиндан айтиш имкони бўлмади.

Тадқиқотлар ҳар бир зилзила ўзига хос хусусиятга эга эканлигини кўрсатмоқда. Шунга кўра ер силкинишининг вақти ва жойини аниқлаш

лар олиб борилаяпти. Куроқлик ва сувда яшайдиган жониворлар, шунингдек, ўсимликларнинг зилзила рўй беришидан аввалги ва кейинги ҳолатлари ўрганилмоқда. Тажрибалар давомида асосан юқорида айтиб ўтганимдек, ер қаъридаги магнит майдони ва импульсларнинг жониворларга таъсир кўрсатиши аниқланадиги.

— Юқорида республикамиз сейсмик фаол ҳудудда жойлашганинги айтдингиз. Кўп қаватли иморатларни лойиҳалаш ва қуришда бу жиҳат эътиборга олинайтиши?

— Ҳа, албатта. Мутахассисларимиз республика сейсмик харитасининг охирги намунасини ўтган йили тушиб чиқишган. Унда ҳар бир сейсмик ҳудуднинг ер силкиниши неча баллга етиши мумкинилиги белгиланган.

Яқинда хитойлик ҳамкасларимиз бизга бешта замонавий рақамли станция совға қилиши. Бу аппаратлар ёрдамида рўй берган зилзиланинг ўчоги ва кучини тезда аниқлаш имкониятига эга бўлган.

— Гоҳида жониворлар ва ўсимликларда ҳам зилзиланинг сиздан сеъниш хусусияти бор, деган гапларни эшитиб қоламиз. Шу тўғрими?

— Бу гаплар ҳақиқатдан йироқ эмас, албатта. Жаҳондаги бир қатор мамлакатлар, шу жумладан, Қозогистонда айнан уй ҳайвонлари, ҳашаротлар ва чўлда яшовчи жониворларнинг зилзила олдидан бўладиган ўзгаришларни сеъниш қобилиятини ўрганиш устида ҳам тадқиқотлар олиб борилапти. Ўтган йили Алмати шаҳрида

кучли зилзилаларни прогностикларни бўйича ҳалқаро анжуман ўтказилди. Анжуман давомида қозогистонлик олимларнинг биодаракчилар билан олиб бораётган ишлари ҳам таниширилди.

Илмий асосланган, аниқ маълумотлар бўлмаса-да, изланишлар давом этиётганинг гувоҳи бўлдик. Бу борада бошқа мамлакатларда ҳам тадқиқотлар борада барпо этилганда ҳам табиии оғатлар, айниқса, зилзила қатъий ҳисобга олинганини таъкидлаш ўринлидир.

С. ШАМСИДДИНОВ
суҳбатлашди.

ТАБИИЙ ОФАТ “ДАРАКЧИЛАРИ”



Пойтахтдаги зилзилабардош замонавий бинолар.

— Зилзила ер қаъридаги тектоник ҳаракатлар натижасида рўй беради, — деди Собит Ҳамидович. — Жаҳон олимларининг кўп йиллик изланишлари натижасида ер юзининг сейсмик харитаси тузилган. Харита бўйича сейсмик фаол ва сейсмик жиҳатдан сўнган ҳудудлар белгиланган. Шу ўринда бизнинг республикамиз айнан биринчи тоифага киришини айтиб ўтиш жоиз.

Зилзила ўчоқлари ер сатҳидан беш километрдан уч юз километргача чукурликда бўлиши мумкин. Бизнинг ҳудудда эса улар ер юзасига яқинроқ — бешдан қирқ километргача бўлган чукурликда жойлашган.

— Ер силкинишини олдиндан билиш бўйича олиб борилётган изла-

нишлар кўпчиликни қизиқтиради...

